

## Ёшлар Тарбиясида Қадриятлар Тизимиининг Аҳамияти

*Одилжон Турсуналиевич Назиров<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси, ёшларда демократик ислоҳотларга аксиологик муносабатни ривожлантириш жараёни инсон ва субъектларнинг социомаданий фаолиятининг маълум бир натижаси сифатида шаклланганлиги ҳакида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Тараққиёт стратегияси, аксиология, ёшлар, демократик ислоҳотлар, маънавият, миллий қадриятлар, диний қадриятлар, қадриятлар тизими.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг янги босқичини бошдан кечирмоқда. Президентнинг ташабbusлари билан қабул қилинган 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қадриятлар моҳиятини бутунлай янгича идрок этиш, дунёқараш, мафкура ва фикрлаш тарзимизда сифат ўзгаришлари қилишдир. Бу – маънавий ҳаётда туб ўзгариш ясаш, халқимизни бунёдкорликка сафарбар этувчи қадриятлар тизимини қарор топтириш демакдир. Шунингдек, “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараккиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қўйидаги еттига устувор йўналишдан иборат “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси”<sup>2</sup> қабул қилинди. Сиртдан қараганда, диний қадриятлар билан илмий қадриятлар ўртасида қарама-қаршилик, бир-бирини истисно этиш, рад килиш мавжуддек, бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, аслида, улар ўртасида ворисийлик, бир-бирини тақозо этувчи алоқадорлик мавжуддир. Гап шундаки, диний қадриятлар ёки қадриятлар моҳиятини диний асосда тушуниш ижтимоий-сиёсий баркарорлик, тутувлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-оқибат ва бошқаларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қадриятлар маънавий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Маънавият ва қадрият тушунчалари бир-бiri билан узвий боғлиқдир. Маънавият қадрият тушунчасига нисбатан бой ва кенг камровли тушунчадир. Қадрият маънавият таркибиغا киради ва уни ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам қадрият деганда, кишиларда аввало маънавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлади. Туб ўзгаришлар ва янгиланиш даврида маънавий қадриятлар аҳамиятини ортиб бориши ўтиш даврига хос объектив-тарихий қонуниятдир.

Мавжуд илмий-фалсафий адабиётларда қадриятлар моҳиятини таърифлашда тушунча билан у ифодалайдиган нарса ва ҳодисаларни айнишланишиш ва бунинг оқибатида қадриятларга ғоят жўн таъриф бериш, қадриятларга эҳтиёжлар ривожининг маҳсули сифатида қараш каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Жумладан, “Энг янги фалсафа лугати”да қадриятга “Абсолютга, шартга, мақсадга йўналтирилган обьект ва ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий моҳиятини акс эттирувчи атама” деб таъриф берилади. У инсоннинг, барча ижтимоий обьектларнинг “социомаданий фаоллиги доирасини белгилаб келади”, маданий фаолият натижаси сифатида эса шахсдан, айрим ҳолларда эса тарихий ҳодисалардан айрича идрок этилади. Шунинг учун қадриятлар ўтмиш, ҳозир ва келажакни уйғуллантириш (вақтда намоён бўлиши), фаолият натижаларини семиотик ифодалаш (маконда намоён бўлиши), нарса ва ҳодисаларни баҳолашда уларнинг мақсадга мувофиқларини устувор ҳисоблаш, дунёни идрок этишда турли даражадаги қадрлаш тизимларини яратиш ва фикрларни асослаш тарзида келади.

“Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гурухларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласиган ва улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмогимиз лозим”<sup>3</sup>.

“Қадрият – воқеилиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун кўлланадиган тушунча”<sup>4</sup>, - деган таърифлар берилган.

Ушбу ёндашишдан маълум бўладики, ёшларда демократик ислоҳотларга аксиологик муносабатни ривожлантириш жараёни инсон ва субъектларнинг социомаданий фаолиятининг маълум бир натижаси сифатида шаклланган бўлсада, шахслар уларни тайёр ҳолда топадилар, айнан шу нуктаи назардан қадриятларнинг мавжудлиги ёки амал қилиши айрим олган шахслар, тарихий ҳодисаларга бойлиқ эмас, балки улардан бокийроқдир. Таъриф муаллифи (В.Л.Абушенко) қадриятларнинг вақт ва маконда намоён бўлиши айрим олган бойликлардан кенглигини тўғри таъкидласа-да, улардаги миллий ҳусусиятларнинг етакчи ўрин тутишини эсга олмайди. Натижада қадриятлар миллий, ҳатто умуминсоний белгиларсиз факатгина социомаданий ҳодиса сифатида талқин этилади.

<sup>1</sup> Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Фарғона филиали ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

Илмий адабиётларда ёшларда демократик ислоҳотларга аксиологик муносабатни ривожлантириш жараёнига ахлоқий-этик ҳодисалар сифатида ёндашиш у ёки бу даражада ёритилган.

Фуқароларнинг миллий қадриятлар бўйича ҳамжихатлилиги миллатнинг қадрий уйғунлиги, маънавий ва ижтимоий унификация билан хеч алоқаси йўқ. Миллат уйғунлиги қадрий консенсус турли сиёсий ва ижтимоий, этник ва диний уюшмалар мулоқоти, уларнинг очиқлиги, умуммиллий муаммоларни биргаликда ҳал этиш мақсадига, биринчи навбатда, болалар ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига мамлакатимиз ривожланишининг асоси сифатида қаралгандагина эришиш мумкин.

Ўзбек халқининг ўзига хос миллий қадриятлари мавжуд. Ўзбек халқи менталитети кўп даврлардан бери шаклланниб келмоқда, миллий қадриятлар ривожланиши ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўзига хослик, анъаналар миллий қадриятлар негизи сифатида хизмат қиласи ва улар халқ учун катта аҳамиятга эга.

Аввал бошда қадриятлар маҳаллий даражада, яъни анъана, урф-одатлар ва маросимлар тарзида шаклланади. Асрлар давомида улар орасидан энг яхшилари ўзига хослигини сақлаган холда сараланиб, сайқалланиб боради ва умумхалқ қадриятлари билан уйғунлашиб кетади.

Б.А.Кадиров, Х.Т.Хайдаров, А.А.Абдираззаков, Ш.У.Ахроров каби олимларнинг фикрларига асосланиб, ёшларда демократик ислоҳотларга аксиологик муносабатни ривожлантириш жараёнини қуидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- ўз уйи ва Ватанини хурмат қилиш;
- аждодлар руҳига содиқлик;
- катталарни хурмат қилиш, кичкиналарга иззат кўрсатиш;
- меҳмондўстлик;
- болаларга муҳаббат;
- маънавият-одоб-таълим;
- илтифотлилик, инсонларга муносабатда адаблилик ;
- вазминлик, сабр, назокат;
- мулојимлик, мулоқотда камтарлик;
- оғир кундарда матонат ва сабр.

Илмий адабиётларда “аксиологик онг”, “қадриятли муносабат”, “қадриятлар тизими” тушунчасига доир турлича таърифларни учратиш мумкин.

Агар қадрият дин, мағкура, санъат каби ижтимоий онг шаклидан алоҳида ажратиб қаралса, у холда унинг мустақил маъно-моҳиятига нисбатан шубҳа уйғонади. Чунки инсон ёки жамиятнинг бирор-бир эҳтиёжлари қондирилиши нафақат моддий, шунингдек, идеаллик билан ҳам алоқадорликни акс эттиради. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам ижтимоий ҳаётнинг қатор шарт-шароитлари ва ўзига хосликларини аниқлаб беради. Демак, қадрият инсон ва жамиятнинг ташки оламга муносабати, уларнинг ички эҳтиёжлари ва воқеликка муносабати билан уйғунлашуви натижасида юзага келади. Мазкур муносабатнинг барқарор хусусият касб этиши инсон фаолиятининг мақсади ва мотивларини шакллантиришга хизмат қилувчи “қадриятли йўналганлик” атамаси билан ифода этилади.

Шахснинг “қадриятли муносабат” атамаси XX асрнинг 20-йилларида социология фанида У.Томас ва Ф.Знанецкийлар томонидан киритилган бўлиб, уларнинг фикрича ижтимоий установка – индивиднинг ижтимоий дунёдаги реал ва мавжуд фаоллигини аниқлаб берувчи индивидуал англаш жараёнидир. Бошқача айтганда, ижтимоий установка индивид, гурух, яхлитликда жамият хулқ-атворини бошқаришни таъминловчи ядро вазифасини бажаради. Ижтимоий установканинг пайдо бўлишидан аввал индивид томонидан эҳтиёж ва шарт-шароитларнинг англаниши содир бўлади. Социумнинг таъсири жамият томонидан маълум ахборотларни олиш асосида эҳтиёжларнинг қондирилишига эришиш билан белгиланади. Шундай қилиб, қадриятга йўналганлик индивиднинг онгидаги шаклланади, қарор топади ва ўзгариб туради.

Т. Парсонснинг “Ижтимоий ҳаракатларнинг тузилиши ҳақида” деб номланган асарида қадрият ва қадриятга йўналганлик тушунчалари ўртасидаги алоқадорлик ажратиб кўрсатилган. Яъни, социум маданиятида эталонларга интилишнинг намоён бўлиши асосида жамиятнинг функционал эҳтиёжлари юзага чиқади .

Шунингдек, қадриятга йўналганлик индивиднинг ҳаётий тажрибалари ва орзу-армонларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Ана шу сабабли қадриятга йўналганлик ўзига хос психологик тавсифга эга бўлиб, шахс тузилишининг барча компонентлари ва яхлит тизимини акс эттиради.

Педагогик аксиологияга доир адабиётларда қадриятли установка тушунчаси ҳам учрайди. Гарчи кўпчилик муаллифлар қадриятли йўналганлик ва қадриятли установка тушунчаларини синоним сифатида қўллашса ҳам, М.Рокич биринчилардан бўлиб улар орасидаги фарқни алоҳида ажратиб кўрсатган. Олимнинг фикрича, установкани маълум бир объект (конкрет ёки абстракт, шахсий ёки ижтимоий)га ёки вазиятга нисбатан субъект

муносабатида акс этувчи узок вақт давомида шаклланган бир қанча ишонч, эътиқодлар мажмуи деб караш мумкин. Демак, йўналганлик шахснинг жамиятдаги меъёрлар билан инсон эҳтиёжлари уйғунлашуви акс этса, қадрияти установкада шахснинг амалий фаолиятда мазкур муносабатлари тизимини рӯёбга чиқаришга тайёрлиги акс этади.

Педагогик аксиология соҳасида тадқиқотлар олиб борган олим Б.Ходжаевнинг таъкидлашича, шахснинг ўзининг ички позициясини англаши ва аниқ қадриялар билан боғлиқлиқда амалий фаолиятга тайёрлиги қадрияти установканинг моҳиятини белгилаб беради. Установка шахснинг аниқ фаолиятга тайёргарлик ҳолатини акс эттирувчи когнитив (билим, ахборот) ва аффектив (эмочия, ҳиссиёт) компонентлар мажмуи сифатида намоён бўлади .

Қадриялар тизими муайян ижтимоий субъектларга (шахс, миллат, жамият ва бошқалар), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган қадрият шаклларининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодалайдиган тушунчадир.

Қадриялар тизими маданиятнинг асосини ташкил этиб, жамият аъзоларининг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари, қизиқишлари, уларнинг ижтимоий харакатлари ва хулқ-атворини бошқаришни ўзида акс эттиради.

Б.Битинас ва И.П.Подласийлар қадрияларнинг учта асосий тизимини ажратиб кўрсатишган: трансендентал (диний моҳият нуқтаи назаридан қандайдир мутлақликка эга), ижтимоий йўналтирилган – социоцентрик (гурухий, умуминсоний, касбий, миллий ва х.к.) ва антропоцентрик (индивидуал).

М.А.Макаревич қадриялар тизимини қуидаги гурухларга ажратган:

ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, баҳт, фаровонлик), универсал (ҳаётний (витал), демократик, ижтимоий обрў-эътибор, шахсий ривожланиш, шахсларо муносабат), норасмий (анъанавий, диний ва урбанизацияга оид) ва жамоавий (ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва бирдамлик).

Ҳаётний (витал) қадриялар деганда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи қадриялар эса мураккаб тузилишга эга бўлиб, инсоннинг бутун ҳаётининг мураккабликлари ва гаройиботларга бойлигини ифода этади .

П.А.Сорокин қадриялар тизимининг учта турини ажратиб кўрсатган:

- идеационал қадриялар тизими. Мазкур тизимга доир қадриялар ва идеаллар ўзгаришсиз ва доимий, мутлақ тавсифга эга бўлиб, уларни тушуниб етиш жараёнида юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтиш жараёнида инсонда хиссий қоникиш юзага келади;
- хиссий қадриялар тизими. Мазкур тизимга хос қадриялар мутлақ кўриниш касб этмайди, индивид иштирок этаётган вазият билан боғлиқлиқда амал қиласди;
- идеал қадриялар тизими. Идеационал ва хиссий қадрияларни умумлаштириш асосида таркиб топади.

Тизимли, субъектив ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар ҳамда қадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда қадрият тушунчаси талабанинг касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаб етилганлиги тавсифида бўлгуси педагогик фаолиятга субъектив муносабат ва баҳосини ифода этади деган хulosага келинди. Мазкур хulosага таянган ҳолда “қадриялар тизими” тушунчасига барқарор, доимий ва динамик-функционал алоқадорликка эга қадриятга йўналтирилган (баҳолашга доир) фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклланадиган компонентлар (қадриятнинг турлари ва шакллари) мажмуи дея таъриф берилди.

Б.М.Бим-Баднинг таърифига кўра, таълим ўзида тарбия, ўқиши ва ўқитишни камраб олади. В.И.Андреев таълимни маданиятда ўз аксини топувчи, ўқитиш ва тарбия орқали амалга оширилувчи ҳодиса сифатида талқин қиласди. Ўз навбатида, ўқитиш категорияси инсоннинг таълими, тарбияси ва ривожланиши тушунчалари орқали очиб берилади. Баъзи адабиётларда ривожланиш, шаклланиш орқали амалга ошади, деб қайд этилса, бошқаларида аксинча шаклланиш ривожланиш орқали юз беради деб таъкидланади.

Аксарият ҳолатларда шахс ривожланиши қуидаги тушунчалар билан ифодаланади: а) турли вазият ва шароитларда намоён бўлувчи, шахснинг ички қарашларини белгилаб берувчи етакчи мотивлар тизими; б) жамиятда мавжуд бўлишнинг ўзига хослигини белгилаб берувчи шахс омили; в) ташки таъсирларнинг ички шартлар билан кўшилиб умумий йўналтирилганликни касб этувчи, ташки ва ички шароитлар бирлиги ифодаси; г) мотивлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар, интилишлар, фоялар, эътиқодлар.

Педагогик-психологик адабиётларда ривожлантириш атамаси индивидга, унинг психикасига муносабат нуқтаи назаридан кўриб чиқиласди. Яъни, ривожланиш – бу индивиднинг ички зарурий хатти-ҳаракати, “ўз-ўзини ҳаракатлантириши” бўлиб, ташки таъсир доимий равишда ички йўналганлик асосида ҳаракатланади. Ривожланиш – бу инсон жисмоний ва маънавий ривожланишининг кетма-кетликда амалга ошадиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг объектив жараёни .

И.П.Подласий “Ривожланиш ички ва ташки шарт-шароитлар билан шартланади. Ички шарт-шароитларга организмнинг физиологик ва психологик хусусиятлари киради. Ташки шарт-шароит инсонни ўраб турган борлик, у яшайдиган ва ривожланадиган мухитdir. Ташки мухит билан ўзаро таъсир асосида инсоннинг ички борлиги

ўзгаради, ўз навбатида кейинги ўзгаришларга олиб келувчи янги муносабатларни шакллантиради” – деган умумий қонунийтни кўрсатиб ўтган.

Ривожлантириш термини таҳлилига асосланиб, “бўлаjak ҳалқ хўжалиги мутахассисларида миллий кадриятлар тизимини ривожлантириш” миллатпарварлик ва касбий фаолият билан боғлиқлиқда миллий анъана, удум ва маросимларга қадриятли муносабат тавсифини ўзида акс эттирувчи ва амалий фаолият жараёнида намоён бўладиган, касбий компетентликнинг муҳим аксиологик компоненти тарзида сифат ўзгаришларини ҳосил қилишга йўналтирилган объектив ва субъектив жараён уйғунлигидир, – деган хуносага келинди.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 нвардаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон
2. Кадриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами). –Т; “Ўзбекистон”, 1997. Б.198;
3. Тарбия энциклопедияси. 2010. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Б.509.